



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 10 » iyun

№ 325

Toshkent sh.

### Энергетика вазирлиги хузурида “Миллий диспетчерлик маркази” давлат унитар корхонасининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Энергетика вазирлиги хузурида Миллий диспетчерлик маркази давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида” 2022 йил 24 марта 126-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Энергетика вазирлиги хузурида Миллий диспетчерлик маркази давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида” 2022 йил 24 марта 126-сон қарорига мувофиқ:

Энергетика вазирлиги хузурида “Миллий диспетчерлик маркази” давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда – Миллий диспетчерлик маркази) ташкил этилганлиги;

Миллий диспетчерлик марказига “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ҳамда “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг миллий, регионал ва худудий диспетчерлик функцияларини ўтказиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Энергетика вазирлиги хузуридаги “Миллий диспетчерлик маркази” давлат унитар корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, Миллий диспетчерлик маркази ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъий назар ягона электр энергетика тизимига уланган ташкилотларнинг реал вақт режимида, марказлаштирилган тарзда узлуксиз тезкор-диспетчерлик бошқарувини амалга оширади ҳамда ягона электр энергетика тизимининг кўшни давлатлар энергетика тизимлари билан параллель равишда ишлаш режимини бошқаради.

4. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги бир ой муддатда:

Миллий диспетчерлик марказни юқори малакали мутахассис ходимлар билан тўлдириш чорасини кўрсинг;

Миллий диспетчерлик марказининг 2022 йил учун даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқласин ва Молия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш учун киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Геология, энергетика, саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Б.Ф. Исламов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 10 июнданги 325-сон қарорига  
илова

**Энергетика вазирлиги ҳузуридаги “Миллий диспетчерлик маркази”  
давлат унитар корхонаси фаолиятини ташкил этиш түғрисидаги  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги “Миллий диспетчерлик маркази” давлат унитар корхонасининг (кейинги ўринларда – Марказ) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва масъулиятини белгилайди.

2. Марказ Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигига (кейинги ўринларда – Энергетика вазирлиги) бўйсунади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қиласди.

4. Марказ Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, ўз номи ёзилган штамплар, бланкаларга эга бўлади.

**2-боб. Марказнинг вазифалари ва функциялари**

5. Марказнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ягона электр энергетика тизимини реал вақт режимида оператив бошқариш ва унинг ишончли ишлашини таъминлаш;

ягона электр энергетика тизими таркибига кирувчи корхоналарнинг диспетчерлик бошқарувини амалга ошириш;

электр энергиясига бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб, шунингдек, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва унинг истеъмол қилинишига таъсир қилувчи барча омилларни ҳисобга олган ҳолда уни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг ҳар соатлик режимини шакллантириш;

ягона электр энергетика тизимининг техник ва иқтисодий жиҳатдан энг мақбул режимларда ишлашини таъминлаш;

ягона электр энергетика тизимининг қўшни давлатлар энергетика тизимлари билан параллель равища ишлаш режимларини бошқариш;

Марказ ходимларини доимий равища хорижда малака оширишини таъминлаш ҳамда малакали хорижий мутахассисларни Марказга жалб қилиш;

авария режимлари юзага келишининг олдини олиш, уларни бартараф этиш ва авария режими бартараф этилганидан кейин тизимнинг ишончлилигини тиклаш.

6. Марказ ўзига юкландган вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

**а) ягона электр энергетика тизими реал вақт режимида оператив бошқариш ва унинг ишончли ишлашини таъминлаш соҳасида:**

электр энергетика обьектларининг тезкор-диспетчерлик бошқарувини амалга ошириш, шунингдек, ягона электр энергетикаси тизимининг бошқа давлатлар электр энергетикаси тизимлари билан ҳамкорлигини таъминлаш;

ягона электр энергетика тизимидағи мавжуд барча захиралардан фойдаланиш орқали давлатлараро келишилган қувват оқимларини ҳисобга олган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансини таъминлаш;

ягона электр энергетика тизимидағи мавжуд электр энергиясининг ишлаб чиқариш ва турғунлик захиралари доирасида юклама ва давлатлараро электр энергияси оқимлари режаси бажарилишини таъминлаш;

электр энергияси ва қувват ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш режимларини бошқариш, электр энергиясини ишлаб чиқарувчи, магистрал электр тармоқлари, ҳудудий электр тармоқлари ташкилотлари ва йирик электр энергияси истеъмолчиларининг технологик фаолиятини мувофиқлаштириш;

ўзаро келишилган йуриқномаларга асосан “Энергия” координацион диспетчерлик марказининг (кейинги ўринларда – “Энергия” КДМ) топшириқ ва кўрсатмаларига мувофиқ ягона электр энергетика тизимининг давлатлараро кунлик режалаштирилган электр энергияси ва қувват оқимларинининг қийматларини ўзгартиришни таъминлаш;

Марказий Осиё Бирлашган электр энергетика тизимида давлатлараро электр энергияси ва қувват оқимларига таъсир этувчи электр энергиясини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг юкламасини ўзгартиришини таъминлаш;

давлатлараро электр энергияси ва қувват оқимларини келишилган қийматини таъминлаш учун энерготизимда мавжуд захира қувватларни ишга солиш;

ягона электр энергетика тизимининг Марказий Осиё ягона электр энергетика тизими орасидаги сальдо оқимлар жадваллари тузилишида иштирок этиш ва унинг бажарилишини таъминлаш;

ўтган кун учун энерготизим электр энергияси истеъмоли ва ишлаб чиқариш жадвалларини таҳлил қилиш ҳамда сальдо оқимлар оғишини аниқлаш бўйича ишларни амалга ошириш;

электр энергетика объектларида ўрнатилган реле ҳимоя ва аварияга қарши автоматика ускуналарининг техник соз ҳолатда ишлашини назорат қилиш;

янги курилаётган электр энергетика объектларининг лойиҳаларини ишончлилик талаблари, реле ҳимоя ҳамда аварияга қарши автоматика бўйича принципиал ечимлари қисмида кўриб чиқиш ва келишиш;

Марказ ва унинг минтақавий бошқарма ва ҳудудий бўлимлари тезкор тасарруфида ва қарамоғида бўлган электр курилмаларида содир бўлган авария ҳолатларини бартараф этишда раҳбарлик қилиш;

реле ҳимоя ва аварияга қарши автоматика, диспетчерлик-технологик бошқарув воситалари курилмаларининг кунлик ишлаш ҳолатларини таҳлил қилиш;

янги объектларни ишга тушириш билан боғлиқ ҳолатлар учун асосий схемалар ва электр режимларни ишлаб чиқиш;

ягона электр энергетика тизими тезкор бошқариш, реле ҳимоя ҳамда аварияга қарши автоматика қурилмалари бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва ўз вақтида қайта кўриб чиқишни назорат қилиш;

ягона электр энергетика тизимининг ҳақиқий қувват оқимлари, тармоқ элементларининг юкланиши, асосий назорат нуқталарида кучланиш қийматларини ва автоматик частотавий юксизлантириш ҳамда маҳсус юкламани ўчириш қурилмасининг ҳақиқий қувватларини аниқлаш учун назорат ўлчашларни олиб боришни ташкил этиш;

ягона электр энергетика тизими ва унинг қисмларида янги объектлар киритиш, мавжудларини кенгайтириш ҳамда реконструкция қилиш бўйича лойиҳаларни кўриб чиқишида қатнашиш, шунингдек, ушбу лойиҳалар бўйича таклифлар бериш, электр энергетика объектларига уланиш учун техник шартларни кўриб чиқиш ва келишиш;

**б) ягона электр энергетика тизими таркибига кирувчи корхоналарнинг диспетчерлик бошқарувини амалга ошириш соҳасида:**

ягона электр энергетика тизимидағи электр энергетика объектларида тезкор-диспетчерлик бўйсунувини аниқлаш ва уни қайта кўриб чиқиш;

Марказ ва унинг минтақавий бошқарма ва ҳудудий бўлимлари тезкор бўйсунувида бўлган электр энергетика объектларининг асосий ва ёрдамчи

курилмаларини йиллик ва ойлик мукаммал ва жорий таъмирлаш жадвалларини кўриб чиқиш ва келишиш;

Марказ диспетчери бўйсунуви ёки қарамоғида бўлган реле ҳимоя ҳамда аварияга қарши автоматика, частота ва қувватни автоматик ростлаш ва диспетчерлик-технологик бошқарув воситалари қурилмаларининг профилактика ва тиклаш бўйича йиллик иш режаларини ишлаб чиқишида қатнашиш ва “Энергия” КДМ диспетчери бўйсунуви ёки қарамоғида бўлган реле ҳимоя ҳамда аварияга қарши автоматика, частота ва қувватни автоматик ростлаш ва диспетчерлик-технологик бошқарув воситалари қурилмалари режаларини мувофиқлаштириш;

магистрал электр тармоқлари, электр энергияси ишлаб чиқариш корхоналари ва электр тармоқ хўжалик обьектлари тезкор-диспетчерлик хизматларининг бевосита бўйсунувчи ходимлари устидан ягона электр энергетика тизими электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидаларида мавжуд талабларга мувофиқ электр тармоқ иншоотлари асосий ускуналарини ёкиш ва учирин, коммутацион аппаратларининг мавжуд йўриқномага мослиги, кунлик жадвалдан чиқиш ҳолатларида электр энергияси ишлаб чиқариш корхоналари энергоблокларининг юкламасини ўзгартириш, кучланиш ва частотани ростлаш, қайнок захирани жойлаштириш масалалари бўйича харакатларини бошқариш;

“Энергия” КДМ тезкор бошқаруви ёки қарамоғида бўлган ускуналарда ҳамда реле ҳимояси ва автоматика қурилмалари занжирларида қайта улаш операцияларини бажариш;

Марказ ва “Энергия” КДМ тезкор бўйсунуви ёки қарамоғида бўлган электр энергетика обьектлари электр қурилмалари реле ҳимоя ва автоматика ускуналари билан жиҳозланганлиги ҳамда уларнинг ўрнатмалари созланиши устидан назорат олиб бориш ҳамда тезкор-техник раҳбарликни амалга ошириш;

Марказ ва “Энергия” КДМ тезкор бошқаруви ёки қарамоғидаги тармоқлардаги реле ҳимояси ва автоматика қурилмалари ишлашини доимий таҳлил қилиш;

“Энергия” КДМ ва ички кўрсатмаларга мувофиқ реле ҳимоя ва автоматика қурилмалари ишлашини назорат қилиш;

электр энергетика обьектлари учун тезкор-диспетчерлик бошқаруви ҳамда электр энергетика тизимидағи аварияларининг олдини олиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

электр энергетика обьектлари томонидан тақдим этилган асосий ускуна ҳамда реле ҳимоя ва автоматика қурилмалари синов дастурларини келишиш;

тезкор-диспетчерлик бошқаруви соҳасидаги норматив ҳужжатларга асосан частотани ростлашда иштирок этиш;

тезкор-диспетчерлик бошқаруви соҳасидаги норматив хужжатларга мувофиқ Марказий Осиё Бирлашган электр энергетика тизими асосий тармоғининг назорат нуқталарида кучланиш қийматларини аниқлаш ва уни тартибга солишида қатнашиш;

тезкор-диспетчерлик бошқаруви, шунингдек, реле ҳимоя ва аварияга қарши автоматика қурилмаларини эксплуатация қилишнинг муаммоли масалаларини ҳал қилиш учун зарур тадқиқотларни ташкил қилиш, шунингдек, ушбу масалаларни ҳал қилишда ихтисослашган ташкилотларни жалб этиш;

электр энергетика обьектлари томонидан тақдим этилган ягона электр энергетика тизимининг асосий ускуналарини синовдан ўтказиш дастурларини кўриб чиқиш ва ушбу синовларни ўтказишда раҳбарлик қилиш;

электр энергиясини чеклаш ва узиб қўйиш жадвалларини жорий этиш тартибини белгилаш;

электр станциялари ва тармоқларининг асосий ускуналарини, энергетика тизими субъектларининг реле ҳимоя ва аварияга қарши автоматика қурилмаларини, диспетчерлик-технологик бошқариш воситаларини таъмирлашга чиқаришга буюртманомаларни, энергетика тизими режимларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш;

мулкчилик шаклларидан қатъи назар электр энергиясини ишлаб чиқарувчи, магистрал ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг буюртманомалари асосида электр станциялари ва электр тармоқларининг асосий ускуналарини, диспетчерлик-технологик бошқариш воситаларини, реле ҳимояси ва автоматика қурилмаларини таъмирлаш ва захирага чиқариш устидан тезкор-диспетчерлик раҳбарликни амалга ошириш;

электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг айрим генераторлари, тизимнинг ички боғланишлари ва айрим тугунлари учун нормал ва таъмирлаш режимлари бўйича статик ва динамик турғунлик ҳисоб-китобларини амалга ошириш, аварияга қарши автоматикага режим талабларини, ўрнатмаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни жорий этиш учун электр энергетика тизим ташкилотларига топшириқлар бериб, бажарилиши устидан назорат олиб бориш;

ягона электр энергетика тизимида мавжуд автоматик частотавий юксизлантириш қувватлари ҳажмини аниқлаш ва келишиш;

в) электр энергиясига бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб, шунингдек, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва унинг истеъмол қилинишига таъсир қилувчи барча омилларни ҳисобга олган ҳолда уни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг ҳар соатлик режимини шакллантириш соҳасида:

электр энергияси истеъмоли прогнозига биноан ягона электр энергетикаси истеъмолчилари учун келгуси кунга соатлик юклама жадвалларини ишлаб чиқиш;

ягона электр энергетика тизимида уланган электр энергияси ишлаб чиқариш корхоналарига электр энергияси истеъмоли талабидан келиб чиқиб келгуси кунга барча омилларни ҳисобга олган ҳолда соатлик юклама жадвалларини ишлаб чиқиш;

энергетика ва ирригация эҳтиёжларидан келиб чиқиб дарё оқимларидан тўла ва самарали фойдаланиш мақсадида гидроэлектр станциялари иш режимларини ишлаб чиқиш;

электр энергиясини ишлаб чиқарувчи корхоналарни, уларнинг техник-иқтисодий тавсифларидан келиб чиқсан ҳолда берилган юклама графикларига асосан ўз вақтида ишга қўйиш ва ишдан тўхтатишни таъминлаш;

**г) ягона электр энергетика тизимининг техник ва иқтисодий жиҳатдан энг мақбул режимларда ишлашини таъминлаш соҳасида:**

юкламани электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида иқтисодий мақбул равишда тақсимлаш;

ягона электр энергетика тизимининг актив ва реактив қувватлар бўйича оптимал режимини таъминлаш;

сув тракт режими тезкор бошқарувини амалга ошириш, Чорвоқ сув омборини тўлдириш ва ишлатиш жадвалларини тузиш ва йил давомида унинг бажарилиши устидан раҳбарликни амалга ошириш;

ирригация ва электр энергияси эҳтиёжларидан келиб чиқиб дарё оқимларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш мақсадида гидроэлектростанциялар (кейинги ўринларда – ГЭС) иш режимларини ишлаб чиқишида қатнашиш;

гидротехник режимлар бўйича ҳисоб-китоблар ва дастурларни кўриб чиқиш ҳамда келишиш (гидроэнергетик трактларнинг бўшатилиши, тўлдирилиши, сув омборларининг ишлатилиши ва бошқалар);

ягона электр энергетика тизимининг турли иш ҳолатлари учун, шу жумладан, янги ишга киритилаётган, Марказ тезкор бўйсинувида ёки қарамоғида бўлган объектларнинг асосий схемалари электр режимларини ҳисоблаш;

электр станциялар, подстанциялар, электр узатиш линияларининг асосий ускуналари, реле ҳимояси, аварияга қарши автоматика, ягона электр энергетика тизими субъектларининг, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, технологик бошқариш тизимларини жорий таъмирлаш жадвалларини келишиш, таъмирлаш режаларини оптималлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

**д) ягона электр энергетика тизимининг қўшни давлатлар энергетика тизимлари билан параллель равища ишлаш режимларини бошқариш соҳасида:**

Марказий Осиё Бирлашган электр энергетика тизимининг параллель ишлашини тартибга солувчи хужжатларни ишлаб чиқиш бўйича йиғилишларда қатнашиш;

чегарадош давлатларнинг энергетика тизимлари билан параллель ишлаш, шу жумладан, уларнинг диспетчерлик марказлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича Марказий Осиё Координацион Кенгаши ишларида иштирок этиш;

“Энергия” КДМ томонидан тизимлараро электр энергияси оқимлари ва қувват ростлаш бўйича тақдим этилган тезкор ва якуний ҳисботларни таҳлил ва назорат қилиш;

Йилнинг муайян даврлари учун ягона электр энергетика тизимининг қувват балансини ишлаб чиқиша иштирок этиш ҳамда электр энергетика тизими бўйича йиллик ҳисбот учун маълумотларнинг тайёрланишини назорат қилиш;

Марказий Осиё Бирлашган электр энергетика тизими таркибига кирувчи энергетика тизимлари билан суткалик ва йиллик қувват оқимлари графигини тузиш;

ягона электр энергетикаси тизимининг ишончлилик меъзонлари асосида чегарадош давлатларнинг энергетика тизимлари билан параллель ишлаш, шу жумладан, уларнинг диспетчерлик марказлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини ишлаб чиқиша қатнашиш;

**е) Марказ ходимларининг доимий равища хорижда малака оширишини таъминлаш ҳамда малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш соҳасида:**

ходимларни ривожланган хорижий давлатларда ўқитиши, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишини ташкил этиш;

мутахассисларнинг малакасини ошириш доирасида ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда маҳсус курсларда, шу жумладан, чет давлатларда ўқитишини ташкил этиш;

Марказ таркибидаги ходимларнинг тасдиқланган жадваллар бўйича билимларини текширишини назорат қиласи ва уни амалга ошириш;

ягона электр энергетика тизимидағи подстанциялар бошқарувини автоматлаштириш, объектлар ва корхоналарда телебошқарув функцияларини жорий этиш устидан назорат қилиш;

хорижий давлатлар тезкор-диспетчерлик бошқарувининг энг яхши амалиётларини, шунингдек, реле ҳимоя ҳамда аварияга қарши автоматика

қурилмалари ишлатишнинг илғор тажрибасини умумлаштириш, тарқатиш ва уларни амалга оширишда ёрдам бериш;

**ж) авария режимлари юзага келишининг олдини олиш, бартараф этиш ва авария режими бартараф этилганидан кейин тизимнинг ишончлилигини тиклаш соҳасида:**

ягона электр энергетика тизимида Марказ ва унинг минтақавий бошқарма ва худудий бўлимларнинг тезкор бошқарувида ёки қарамоғида бўлган электр қурилмаларидағи авариявий режимларни бартараф этишда ва авариядан кейинги режимларни тиклашда раҳбарлик қилиш;

аварияларни бартараф этиш бўйича маҳсус кўрсатмаларга мувофиқ Марказий Осиё Бирлашган электр энергетика тизимида ёки ягона электр энергетика тизимида фавқулодда (авария) вазиятларни бартараф этиш;

ягона электр энергетика тизимида уланган корхона ва ташкилотлар Марказнинг топшириғига асосан авария ҳолатларнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш бўйича кўрсатмаларини бажаришини таъминлаш;

аварияга қарши автоматикани жорий этиш лойиҳаларини амалга оширишда ҳамда энергетика тизими иш режимларини ҳисоблаш усуслари ва техник воситаларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва ривожлантиришда иштирок этиш;

авария ҳолатларини текширишда ҳамда авария содир бўлишини олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

ягона электр энергетика тизимида авариявий режимлар, электр қуввати ва энергия танқислиги пайдо бўлганда дастлаб худудий электр тармоқ корхоналари томонидан ишлаб чиқилган ва маҳаллий ҳокимият билан келишилган чеклов жадвалларига асосан чекловлар киритиш бўйича топшириқлар бериш;

ягона электр энергетика тизими таркибига кирувчи энергетика объектларида технологик носозликларни ва баҳтсиз ҳодисаларни текширишда қатнашиш, уларнинг олдини олувчи чора-тадбирларни келишишда иштирок этиш;

Марказий Осиё Бирлашган электр энергетика тизимида содир бўлган аварияларни таҳлил қилишда қатнашиш;

янги ишга киритиладиган ва реконструкция қилинадиган электр тармоқ объектлари бўйича лойиҳалаштириш топшириқларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, лойиҳаларни ва ишга тушириш схемаларини келишиш;

ягона электр энергетика тизими объектларидаги ва корхоналаридаги реле ҳимоя ва аварияга қарши автоматика қурилмаларининг ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни ташкил этиш;

энергетика тизимининг асосий ускуналари ва электр тармоқлари, реле ҳимояси, аварияга қарши автоматика ва алоқа қурилмаларининг ишга тайёрлигини назорат қилишни амалга ошириш ҳамда реле ҳимоя қурилмаларининг схемаларини ва уларнинг параметрларини келишиш;

ўзининг хизмат кўрсатиш ҳудудига кирган, электр тармоқларининг мустаҳкам ишлаши ҳамда истеъмолчиларни шартланган узлуксиз электр энергияси таъминотини амалга ошириш, электр тармоқлар режимларини ишлаб чиқиш ва юритиш;

электр қурилмалар ва тармоқларга хизмат кўрсатишда, шунингдек, истеъмолчиларга электр энергиясини узатишда юқори тежамкорликни таъминлаш;

ўз хизмат доирасидаги барча электр тармоқларида юкланишнинг тақсимланиши бўйича тезкор диспетчерлик бошқарувни олиб бориш ҳамда уни яхшилаш бўйича таклифлар бериш;

кувват ва электр энергияси бўйича топшириқ режалари истеъмолчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш;

истеъмолчиларнинг ишончли электр таъминоти схемаларини ушлаб туриш ва уни ўзгартириш;

электр энергияси ва кувват истеъмоли топширигининг бажарилишини таъминлаш;

ўзининг хизмат кўрсатиш ҳудудига кирган электр қурилмаларининг меъёрий бир чизиқли схемасини ишлаб чиқиш ва заруриятга қараб уларга ўзгартиришлар киритиш;

электр энергетикаси объектларида истеъмолчиларнинг электр таъминоти узилишлари ва аварияга қарши автоматика қурилмаларининг ишлаши билан боғлиқ фавқулодда ҳолатларни тизим корхоналари билан биргаликда текшириш ва таҳлил қилиш;

ўзининг тезкор бошқаруvida ёки қарамоғида бўлган электр қурилмаларини мукаммал ва жорий таъмирлаш учун тегишли тизим ташкилотлари томонидан тасдиқланган ишлаб чиқариш хизматлари (подстанциялар хизмати, юқори кучланишли тармоқлар хизмати, реле ҳимоя ва автоматика хизмати, диспетчерлик ва технологик бошқарув воситалари хизмати, ўта кучланишдан ҳимоя қилиш ва изоляцияни синаш хизмати) нинг ойлик иш режалари бўйича буюртмаларни олиб, кўриб чиқиш ва ишни ташкил этиш:

Марказ минтақавий бошқарма ва худудий бўлимлари тезкор бошқаруvida ёки қарамоғидаги электр қурилмаларига янги ишлаб чиқариш ёки истеъмолчилар уланиши ёки синашида дастурларга асосан раҳбарлик қилиш;

### **З-боб. Марказнинг ҳукуқлари ва жавобгарлиги**

7. Марказ унга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуийдаги ҳукуқларга эгадир:

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва ташкилий-хукуқий шаклларидан қатъи назар, ягона энергетика тизимида уланган янги ишлаб чиқариш ташкилотлари ҳамда йирик истеъмолчиларнинг тезкор ходимларига электр энергетика тизимидағи электр энергияси ва қувват балансини таъминлаш, авария ҳолатларининг олдини олиш, уларни бартараф этиш ва авариядан кейинги режимларни тиклаш вазиятларида қатъий бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш;

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва ташкилий-хукуқий шаклларидан қатъи назар йирик истеъмолчилар, ягона энергетика тизимида уланаётган янги ишлаб чиқариш қувватларининг раҳбар ходимларига Марказ ваколатига кирувчи масалалар бўйича фармойиш ва тавсиялар бериш;

Марказ раҳбар ходимларининг тизим корхоналари техник раҳбар ва тезкор навбатчи ходимларининг лавозим бўйича билимларини синовдан ўтказиш жараёнларида иштирок этиш;

тезкор диспетчерлик бошқаруви фаолиятида ва фавқулодда ҳолатлар бартараф этилиши чўзилишига олиб келувчи диспетчерлик интизомининг, техника хавфсизлиги қоидалари, техникадан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши аниқланса, тизим корхоналари тезкор навбатчи ходимларини навбатчиликдан четлаштириш;

авария режимини бартараф этишда Марказ томонидан ягона энергетика тизимида мавжуд бўлган барча захира қувватлардан фойдаланиш, электр энергетика объектларида режали-жорий таъмирлаш ишларини бекор қилиш, шунингдек, электр энергияси истеъмолига чекловлар жорий этиш;

ягона энергетика тизимининг ривожланишига доир лойиҳалар бўйича тизим корхоналарига ва Энергетика вазирлигига таклифлар бериш ҳамда электр энергетика тизимида оид инвестиция лойиҳаларини келишишда иштирок этиш;

мутахассисларнинг малакасини ошириш доирасида ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда маҳсус курсларда, шу жумладан, чет давлатларда ўқитишни ташкил этиш;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) доирасида хорижий мамлакатлардаги корхоналар ва ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;

белгиланган тартибда банкларда ҳар қандай ҳисобларни, шу жумладан, валюта ҳисобларини очиш, банк ссудалари ва кредитларини олиш, қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай тўлов шаклларини амалга ошириш;

ягона электр энергетика тизимининг ҳамда истеъмолчиларнинг электр таъминоти ишончлилигини ошириш бўйича Энергетика вазирлиги ҳамда тизим ташкилотлари раҳбарларига таклиф бериш;

ягона электр энергетика тизимининг турғун, ишончли ва барқарор ишлашини таъминлаш учун Марказ департаменти ҳамда ҳудудлардаги минтақавий диспетчерлик бошқармаси ва ҳудудий бўлимларнинг электр энергетика обьектлари ходимларига ўз ваколати доирасида топшириқлар бериш;

Марказ ходимларига мулкчилик шаклларидан қатъи назар барча электр энергетика обьектларига кириш ва тезкор диспетчерлик бошқаруви ҳамда реле ҳимояси ва автоматикаси масалаларининг бажарилиши устидан текширув олиб бориш;

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва ташкилий-хукуқий шаклларидан қатъи назар йирик истеъмолчилар, ягона энергетика тизимиға уланаётган янги ишлаб чиқариш қувватлари (шу жумладан, қайта тикланувчи электр манбалари асосида) тезкор ходимларининг Марказ ва унинг минтақавий бошқарма ва ҳудудий бўлимларининг томонидан берилган топшириқларини бажармаганлиги, ёлғон маълумот берилганлик ёки авария ҳолатларини яшириш ҳолатлари учун навбатчиликдан четлаштириб, Марказ комиссиясияси томонидан навбатдан ташқари имтихон ўтказиши.

Марказ ўз вазифа ва функциялари бажарилишини таъминлаши учун “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва ташкилий-хукуқий шаклларидан қатъи назар йирик истеъмолчилар, ягона энергетика тизимиға уланаётган янги ишлаб чиқариш қувватлари (шу жумладан қайта тикланувчи электр манбалари асосида) томонидан Марказ ва унинг тегишли бошқармалари томонидан сўралган маълумотлар тақдим этилиши шарт.

8. Марказ раҳбарияти ва унинг минтақавий бошқарма ва ҳудудий бўлимларининг уларга юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилишига жавобгар ҳисобланади.

9. Марказ директори ушбу Низом талабларига мувофиқ бошқарувнинг барча фаолият турлари учун жавобгардир.

10. Марказ ходимлари зиммасига юклатилган вазифалар доирасида тасдиқланган лавозим йуриқномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари,

Ўзбекистон Республикаси Электр станциялари ва тармоқларини эксплуатация қилиш қоидалари, Техника хавфсизлиги қоидалари, Ёнгин хавфсизлиги қоидалари ва бошқа лавозим, ишлаб чиқариш йуриқномалари талабларига риоя этмаганлик учун жавобгар ҳисобланадилар.

**4-боб. Марказнинг бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги**

11. Марказ ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва ташкилий-хуқуқий шаклларидан қатъи назар йирик истеъмолчилар ҳамда ягона энергетика тизимиға янги уланаётган янги ишлаб чиқариш корхоналари ва уларнинг таркибий бошқарма ва бўлимлари билан Марказ томонидан ишлаб чиқилган ва Энергетика вазирлиги томонидан тасдиқланган йуриқномаларга асосан ҳамкорикни амалга оширади.

12. Ягона электр энергетика тизимиға уланган барча электр энергетика объектлари тезкор ходимлари Марказ ва унинг таркибига кирувчи бошқарма ва бўлимларнинг фаолият доирасида берилган топшириклари ва кўрсатмаларини сўзсиз бажаришга мажбурдирлар.

13. Марказ ва унинг худудий филиаллари тўлиқ фаолият кўрсатишида зарур инвентарлар, алоқа воситалари ва бошқа барча ускуналар, шу жумладан, электр ва иссиқлик таъминоти билан жиҳозланган хоналарга текин фойдаланиш хуқуқи асосида жойлаштирилишида ва фаолият олиб боришида “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг биринчи раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланадилар.

14. Марказ таркибига кирувчи Миллий диспетчерлик департаменти (МДД), реле ҳимояси ва автоматика бўлими (РҲваА), электр режимларини ҳисоблаш бўлими (ЭРҲБ), иқтисодий режимлар бўлими (ИРБ), 5 та минтақавий диспетчерлик бошқармалари (МДБ), 14 та худудий диспетчерлик бўлимлари (ХДБ) оператив жиҳатдан, энергетика вазирининг ўринбосари тасдиқлаган мажбуриятлар тақсимланишига мувофиқ, вазирнинг ўринбосарига бўйсунадилар. Марказ ва унинг таркибига кирувчи бошқармаларнинг йиллик ва ойлик иш режалари ва улар бўйича ҳисботлар энергетика вазирининг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

15. Марказ Энергетика вазирлиги тузилмасига киради. Энергетика вазирлиги Марказнинг муассиси ҳисобланади.

16. Марказ таркибий тузилмасига кирувчи минтақавий бошқарма ва худудий бўлимлар ўз фаолиятини Марказ томонидан ишлаб чиқиладиган

ва Энергетика вазирлиги томонидан тасдиқланадиган хужжатлар асосида амалга оширади.

17. Ягона электр энергетика тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда Марказнинг тезкор-диспетчерлик бошқаруви, энергетика тизимининг ишончилилиги ва хавфсизлиги борасидаги фаолиятига ортиқча аралашувларнинг олдини олиш учун тизим ташкилотларининг биринчи раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланиб, бундай ҳолатлар юз берган тақдирда, тизим ташкилотларининг биринчи раҳбарлариға Марказ директори томонидан Энергетика вазирига интизомий жазо чоралари қўлланилиши бўйича тақдимнома киритилади.

18. Марказ ўзига юклатилган вазифаларни бажариш давомида Энергетика вазирлиги, “Энергия” КДМ, ягона электр энергетика тизими таркибиға кирувчи жамиятлар ва корхоналар билан ушбу Низом ҳамда Энергетика вазирлиги томонидан тасдиқланган Марказ ва тизим корхоналар ўртасидаги йуриқномалар асосида ўзаро муносабатларни амалга оширади.

19. “Худудий электр тармоқлари” АЖ Марказ топшириғига асосан истеъмолчилар билан биргаликда, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари билан келишган ҳолда қувват ва электр энергияси истеъмоли бўйича чеклаш ва узиб қўйиш жадвалларини ишлаб чиқади ва Марказга тақдим этади. Мазкур чеклов жадваллари Энергетика вазирлиги томонидан тасдиқланади.

20. Марказ ҳамда унинг таркибий бўлинмаларининг Марказ ваколат доирасидан келиб чиқиб, тезкор-диспетчерлик бошқарувини амалга оширишига ягона электр энергетика тизимиға кирувчи бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг аралashiшига йул қўйилмайди.

#### **5-боб. Марказнинг ҳисобот бериши**

21. Марказ директори Марказ фаолияти тўғрисида Энергетика вазирлиги олдида мунтазам равишда ҳисобот беради.

Энергетика вазирлиги Марказ директори ва унинг ўринbosари фаолиятининг уларга юклangan вазифалар самарали бажарилиши бўйича доимий мониторингини олиб боради, Марказ фаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради.

#### **6-боб. Якунловчи қоида**

22. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

